




УНУВЧАНЛИК- СОҒЛОМ ВА ЯХШИ НИҲОЛ ГАРОВИ

1. Сулаймонов Рустам Шенникович, т.ф.д, профессор

2. Унгаров Азизбек Абдумўмин ўғли, ассистент

1-Толали экинлар илмий тадқиқот институти,

2-Гулистон давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21772186>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 12-iyul 2026 yil

Ma'qullandi: 15-iyul 2026 yil

Nashr qilindi: 31-iyul 2026 yil

KEY WORDS

Бамяя ўсимлик, бўз тупроқ, иқлим-шароит, унувчанлик, К-147, К-331, К-278, К-268, К-335, К-338, К-199 навлар.

ABSTRACT

Хориждан келтирилган бамяя ўсимлигидан соғлом ва яхши ниҳол ҳосил қилувчи уруғларини ажратиб олиш учун лаборатория шароитида уруғларнинг унувчанлик даражаси ўрганилди. Ўрганишлар натижасида Бангладешнинг "К-147" навини унувчанлиги 95 % ни, Ироқни "К-331" ва АҚШнинг "К-278" навларини унувчанлиги 99 % ни, Бангладешнинг "К-268" навини унувчанлиги 100 % ни, Аргентинани "К-335", "К-338", Угрутини "К-199" навларини унувчанлиги 97 % ни ташкил этди.

Лаборатория тадқиқотлари натижалари бамяя навлари орасида уруғларнинг ҳаётийлиги ва унувчанлик кўрсаткичларида маълум фарқлар мавжудлигини кўрсатди.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида пахта ва ғалладан ташқари қўшимча толали экинлар турларини йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Булар орасида бамяя ўсимлиги муҳим аҳамият касб этади [1, 2]. Бу ўсимликни маҳаллий шароитда етиштириш орқали тола хомашё базасини кенгайтириш, пахта толасига қўшимча ресурс сифатида саноатга жорий этиш имконияти мавжуд. Бамяя ўсимлигини етиштириш, ундан сифатли тола олиш, тўқимачилик саноатида янги хомашё базасини яратади. Буларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизнинг тупроқ шароитларига мос келувчи толали экинларни аниқлаш ва шу экинларни экиш, қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш мақсадида турли хилдаги толали экинлар қаторида бамяя ўсимлигини маҳаллий иқлим шароитида етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва тола олинишини ўрганиш мақсадида синов тариқасида Тошкент вилояти Қибрай туманидаги тажриба майдонига экиш режалаштирилди. Бунга асосан 2025 йилда бамяя ўсимлигининг 10 хил тури синов тариқасида экилиб, ўсиш ва ривожланиши бўйича фенологик кузатувлар олиб борилди ҳамда бошланғич агротехнологияси ўрганилди [3, 4]. Ўрганишлар натижасида экилган 10 хил туридан ривожланиши ва тола олиниши кўп миқдорда мойилликка эга бўлган Бангладешнинг "К-147" ва "К-268", Ироқни "К-331", Аргентинани "К-335" ва "К-338", АҚШни "К-278", Угрутийни "К-199" навлари танлаб олинди. Танлаб олинган навлар уруғларининг сифатини баҳолаш учун лаборатория шароитида уларнинг унувчанлик даражаси

ўрганилди. Чунки, унувчанлик одатда уруғнинг қулай шароитда соғлом ва яхши ниҳол ҳосил қилиш қобилиятини ифодалайди [5].

Бу кўрсаткич уруғнинг ҳаётийлиги, физиологик ҳолати ҳамда экишга яроқлилигини баҳолаш имконини беради.

Лаборатория шароитида ўтказиладиган унувчанлик таҳлиллари уруғларнинг потенциал ўсиш қобилиятини аниқлаш, турли навларни ўзаро таққослаш ва юқори сифатли уруғлик материалини танлаб олиш учун хизмат қилади. Бунда ҳарорат, намлик ва ёритилиш каби омиллар меъёрий даражада сақланганлиги сабабли, олинган натижалар ташқи муҳит таъсирисиз аниқ ва ишончли бўлади.


Унувчанликни аниқлаш дала шароитида илмий асосланган ҳолда экиш меъёрини белгилашни, кутилаётган ниҳол қалинлигини олдиндан тахмин қилишни ифодалайди. Агар уруғнинг лаборатория унувчанлиги паст бўлса, экиш меъёри оширилади ёки мазкур уруғлик партиясини экиш учун тавсия этилмайди.

Хорижий бамия ўсимлиги навлари уруғларининг лаборатория шароитида унувчанлигини аниқлаш бўйича тажриба ишлари Толали экинлар илмий-тадқиқот институтининг махсус уруғчилик лабораториясида амалдаги давлат стандартлари ва уруғ сифатини баҳолаш усуллариға мувофиқ олиб борилди. Тадқиқотнинг асосий мақсади турли бамия навлари уруғларининг лаборатория шароитидаги унувчанлиги, униб чиқиш энергияси ва уруғларнинг экиш сифатини аниқлашдан иборатдир.

Натижалар ва мунозаралар. Лаборатория шароитида Бангладешнинг “К-268” ва “К-147”, Аргентинани “К-335” ва “К-338”, Ироқни “К-331”, АҚШни “К-278” ва Угрутини “К-199” навларининг ҳар бирдан олинган уруғ намуналари сараланиб, механик аралашмалар ва шикастланган уруғлардан тозаланди. Бамия уруғлари одатда мош каби йирик, айлана шаклиға яқин ва рангги тўқ кулранг бўлади. Ҳар бир нав учун 100 тадан уруғдан иборат 3 та такрор (жами 300 дона уруғ) олинди. Уруғлар нам стерилланган қум субстрати солинган идишларға бир текисда экилиб, унувчанлик аппаратиға жойлаштирилди (1-расм). Тажриба давомида ҳарорат 25 ± 2 °C, ҳавонинг нисбий намлиги 85-95 % даражасида сақланди. Уруғларнинг униб чиқиш энергияси экилгандан кейинги 3 кунда, якуний лаборатория унувчанлиги эса 14 кунда аниқланди (2-3-расмлар). Уруғларнинг униб чиқиш тезлиги экилган



1-расм. Уруғ намуналарини унувчанлик аппаратида назорат қилиш жараёни



2- расм. Уруғларни унувчанлигини аниқлаш жараёни



3- расм. Уруғ намуналарини якуний унувчанлиги жараёнидан лавҳалар

навларда ўртача бир хил бўлиб, 3-куни 24 % ни, 4-куни 65 % ни ташкил этди. 7-куни 93 % дан ошди.

Танлаб олинган ўсимлик турларини уруғлари тозаланиб, экиш учун тайёрлаб қўйилди. экиш учун ажратилган бамя ўсимлигини унувчанлигини аниқлаш учун толали экинлар илмий-тадқиқот институтининг махсус лабораториясида ажратилган уруғлари экилиб, унувчанлик даражаси ўрганилди. Ўрганишлар натижасида Бангладешнинг “К-147” навини унувчанлиги 95 % ни, Ироқни “К-331” ва АҚШнинг “К-278” навларини унувчанлиги 99 % ни, Бангладешнинг “К-268” навини унувчанлиги 100 % ни, Аргентинани “К-335”, “К-338”, Угрутини “К-199” навларини унувчанлиги 97 % ни ташкил этди. Олинган натижаларни таҳлил қилиш асосида тажриба

майдонига экиш учун бамия уруғларини меёрга нисбатан “К-147” навидан 5 %, “К-331”, “К-278” навларидан 1 %, “К-335”, “К-338” ва “К-199” навларидан 3 % миқдорда қўп сарфлаш кераклигини кўрсатди.

Ўсимликларни унувчанлик даражасини ўрганган ҳолда ажратиб олинган ўсимлик уруғлари экиш учун тайёрлаб қўйилди.

Олинган натижалар навларнинг биологик хусусиятлари ва уруғ сифатини баҳолаш имконини берди.

Лаборатория тадқиқотлари натижалари бамия навлари орасида уруғларнинг ҳаётийлиги ва унувчанлик кўрсаткичларида маълум фарқлар мавжудлигини кўрсатди.

Хулоса. Бамия ўсимлигини унувчанлигини аниқлаш учун толали экинлар илмий-тадқиқот институтининг махсус лабораториясида ажратилган уруғлари экилиб, унувчанлик даражаси ўрганилди. Ўрганишлар натижасида Бангладешнинг “К-147” навини унувчанлиги 95 % ни, Ироқни “К-331” ва АҚШнинг “К-278” навларини унувчанлиги 99 % ни, Бангладешнинг “К-268” навини унувчанлиги 100 % ни, Аргентинани “К-335”, “К-338”, Угрутини “К-199” навларини унувчанлиги 97 % ни ташкил этди.

Адабиётлар рўйхати:

1. М.Дерьяева. Корневая система бамии и особенности поглощения питательных веществ из почвы. Ж. Сельскохозяйственные науки, №4, 2025. г.Ашхабад, Туркменистан.
2. Е.К. Йебов, К.Г.Санто, Д. Афрех-Нтиамоа, Е. Акка. Продуктивность окры (*Abelmoschus esculentus*) в зависимости от органического и неорганического питания при различном междурядном расстоянии.
3. Сулаймонов Р.Ш., Унгаров А.А. Бамия ўсимлигини унувчанлиги бўйича изланишлар. Янги Ўзбекистон илмий тадқиқотлар журнали. Тошкент. 2025. 2-жилд, 10-сон. ИСИН: 3030-3559. www.in-academy.uz. 85-88 б.
4. Kumar R., Sharma V., Malik D. Growth and yield performance of okra under different agroclimatic conditions//Agricultural Science Review.-2013-Vol. 32, №4.- P. 250-255.
5. Сулаймонов Р.Ш. Бамия - толали ўсимлик. «Толали экинларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси истикболлари» мавзуда республика миқёсидаги илмий-амалий конференция. Тошкент, 10-11 декабр, 2025. -88-91 б.
6. Миршарипова Г. “Ўсимликшунослик” фани бўйича ўқув –услугий мажмуа. Гулистон-2018.